Халқаро саноат маслаҳатлашув кенгашининг илк ялпи йиғилиши бўлиб ўтди

// 02.07.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/halqaro-sanoat-maslahatlashuv-kengashining-ilk-yalpi-yigilis



«Янги Ўзбекистон» университетида Халқаро саноат маслаҳатлашув кенгашининг илк ялпи йиғилиши ўтказилди. Унда Германия компаниялари билан ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

Ушбу ташаббус Ўзбекистон ҳамда Германиянинг йирик саноат тармоқлари вакиллари ўртасида чуқур ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, талабаларни немис компанияларида амалиёт ўташ имконияти билан таъминлашни кўзда тутади.Тадбирда «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Евгений Коржиков ҳам иштирок этди.



Таъкидлаш жоиз, кенгаш таркибига мамлакатимиз саноатининг етакчи ташкилотлари – Энергетика вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоий КМК» АЖ ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг вакиллари киритилган.

Шунингдек, Германиянинг нуфузли компаниялари – “DaimlerChrysler AG”, “BOSCH”, “STADA Arzneimittel AG”, “TAL Group” ва “Siemens Energy” раҳбарлари ҳам кенгаш аъзоси сифатида қатнашдилар.



Келгусида «Янги Ўзбекистон» университетида мазкур компанияларнинг лаборатория ва ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.







«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати